

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУМИНОВА ЗИЁДА АБРОРОВНА

**ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Муминова Зиёда Аброровна

Ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорларда
акушерлик ва перинатал асоратларини башоратлаш
ва олдини олиш..... 3

Муминова Зиёда Аброровна

Прогнозирование и профилактика акушерских и
перинатальных осложнений у беременных с острыми
респираторными инфекциями 25

Muminova Ziyoda Abrorovna

Prediction and prevention of obstetric and perinatal complications in pregnant
women with ARI..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУМИНОВА ЗИЁДА АБРОРОВНА

**ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib29 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Саиджалилова Дилноза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Султанов Саидазим Насырович тиббиёт фанлари доктори, профессор Каримова Феруза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Мусабаев Эркин Исакович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Н.И.Пирогов номидаги Миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия)

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д. И. Ахмедова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги ўн йилликда акушерлик ва перинатал асоратларга олиб келувчи етакчи сабаблар бўлиб ҳомиладорлик вақтидаги ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ) ҳисобланади. ЎРИлар муаммоси дунёда «...этиологик верификациясининг қийинлиги, айниқса ҳомиладорларда оғир асоратларнинг, биринчи навбатда зотилжамнинг юқори даражада қайд этилиши ва ўлим ҳолатларининг юқорилиги ҳисобланди...»¹. Гриппда зотилжам кечишини оғирлиги, ўткир нафас ва юрак-қон етишмаслигининг ривожланиши, инфекция-захарли шок каби асоратлар билан юқори изоҳланади. Ноинвазив перинатал ташхиснинг етарли даражада замонавий йўналишларидан бири бўлиб, «...ЎРИ ўтказган ҳомиладорлар қонидаги фетал ДНКсини, ирсий касалликларни, акушерлик ва перинатал асоратларда фетал ДНК ўзгариш даражасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳозирги вақтгача олиб борилмаган...»². ЎРИда акушерлик ва перинатал асоратларни ташхислаш ва башорат қилиш учун янги сезгир маркерларни излаш ва патогенезини баҳолаш замонавий акушерликнинг бугунги кунда ҳал қилиши зарур долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳон миқёсида ЎРИ ўтказган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларини башоратлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ҳомиладорларда гриппсимон инфекциялар вирулентлигини баҳолаш, ЎРИ структураси ва сонини аниқлаш, вируслар спектрининг таҳлили ва уларнинг оғир кечишида ўрнини баҳолаш. Ҳомиладорларда турли оғирлик даражадаги ЎРИларда касалликни оғир кечишини прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш. ЎРИдан сўнг ҳомиладорлик кечишини баҳолаш, ҳомиладорликни нохуш якунини прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни олдини олиш тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият эга.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, айниқса ЎРИда оналар ва болалар касалликларни ва ўлимни камайтириш борасида «...фертил ёшдаги аёлларда турли касалликларни камайтириш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аёлларда ЎРИдан

¹ Jameeson D. J., Honein M. A., 2017

² Griffiths P. D., Ronalds C. 2017

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли Фармони «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»

сўнг перинатал асоратларни ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали оғир асоратларни олдини олиш натижасида перинатал ўлим кўрсаткичларини камайитириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985–сон «Шошилинич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. ЎРИ ўтказган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогнозлаш ва олдини олишни асослаш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, Ohio State University, College of Medicine, University of North Carolina (АҚШ); University of Oxford (Англия), Ottawa Hospital Research Institute, University of British Columbia (Канада), University of Tokyo (Япония), Hacettepe University (Туркия), Instituto Nacional de Perinatologia Isidro Espino sadelos Reyes (Мексика), Weill Cornell Medical College (Англия), Monach University (Австралия); академик В.И. Кулаков номидаги «Акушерлик, гинекология ва перинаталогия илмий маркази», Қозон тиббиёт институти (Россия Федерацияси), Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) да.

Ўткир респиратор инфекция ўтказган ҳомиладор аёлларда гестация асоратларини прогнозлаш ва олдини олиш натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши, йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши, преэклампсия, коагулопатик қон кетишлари каби пренатал асоратлар ривожланишининг предиктори бўлиш механизми асосланган (University of Oxford (Англия), University of British

⁴Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ubc.ca, www.cmm.zju.edu.cn, www.sggw.pl, www.uc.edu, www.med.stanford.edu, www.meded.hms.harvard.edu, www.uni-corvinus.hu, www.sfu.ca, www.en.jbnu.ac.kr, www.unina.it, www.edu.unideb.hu, www.universiteitleiden.nl, www.tau.ac.il, www.ufsc.br, www.gpma.ru, www.tashpmi.uz, www.ottawahospital.on.ca, www.uottawa.ca, www.unsw.edu.au, www.medicine.osu.edu, www.thewomens.org.au, www.ulaval.ca, www.ufrgs.br, www.sigarra.up.pt, www.ksu.edu.sa, www.attikonhospital.gr, www.ox.ac.uk, www.unideb.hu, www.saitama-med.ac.jp, www.usu.ac.id, www.emergencyresponse.uz.ac.zw, www.aichi-med-u.ac.jp ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Columbia (Канада); бош мия пўстлоғининг шикастланиши натижасида сепсис билан зарарланишга мойиллик юзага келиши асосланган (University of Calgary, Канада); мультипараметрик логистик регрессия ёрдамида сепсиснинг клиник мезонлари ишлаб чиқилган (University of Toronto, Италия); септик шокда артериал гипотония бартараф этилгандан сўнг антибактериал терапияни қўлланилиши касаллик туфайли зудлик билан юзага келадиган ўлим ҳолатига таъсир механизми асосланган (University of Manitoba (Канада); преэклампсиянинг оғир турларида антитромбин фаолиятини кучайтирувчи антикоагулянтлардан фойдаланиш жигар фаолиятини оширувчи ферментлардан фол фойдаланиш механизмларни ишлаб чиқилган (University of Ottawa (Канада); инфекцион асоратлар ҳомиладорларда оғир асоратлар ривожланишининг клиникага қадар белгилари, ҳомиладорларда пренатал ва антенатал асоратлар сонининг узлуксиз ошишига асосланган (Melburne University (Австралия), Қозон тиббиёт институти (Россия Федерацияси); (Xinxiahg Medical University (Хитой); ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогностлаш ва олдини олишни (Тошкент тиббиёт академияси).

Дунёда ЎРИда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогностлаш ва олдини олишни илмий асослаш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўткир респиратор касалликларни бошидан кечирган ҳолатларда, гестация муддатлари ҳамда касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда, аёллар ва чақалоқлар саломатлик ҳолати ва ҳомиладорликни, туғруқни, ҳомилани ривожланишини ўзига хосликларини асослаш; ўткир респиратор касалликларда акушерлик ва перинатал патологияларни ривожланиш имконияти ва хавфини, унинг асосида эса ҳомиладорликни нохуш якунини баҳолаш учун башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш; ҳомиладорлик асоратларини ривожланиши ва касаллик кечишини оғирлиги билан йўлдош тўқимасидаги морфологик ўзгаришлар орасидаги алоқани баҳолаш; гестациянинг турли муддатларида ўтказилган ЎРИдан сўнг ҳомиладорлар периферик қонида фетал ДНК даражасини аёллар ва чақалоқлар асоратларни ривожланишида уларни башорат қилиш аҳамиятини баҳолаш; ўткир респиратор касалликларда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишининг патогенез схемаларини ва ЎРИдан сўнг уларни юритиш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида олиб борилган ва маълум даражада муваффақиятга эришилган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, ҳомиладорликни кечиши ва ҳомила ривожланишига ЎРИларни таъсирининг кўплаб аспекти ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. Ҳомиладорлик вақтидаги ЎРИ муаммоси перинатал асоратлари ривожланишининг юқори сони, ЎРИнинг оғир кечишида оналар ва чақалоқларнинг касалланиши ва ўлимнинг юқорилиги, касаллик оғирлигини аниқ мезонларининг мавжуд эмаслиги, шунингдек ЎРИдан сўнг юзага келиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратларни

башоратлашдаги қийинчиликлар қатор хорижий олимлар ишларида қайт этилган (Е.А.Бородина, Е.В.Егоршина., 2013; Getahun D., Ananth C.V., Peltier M.R., 2011; Hage J.N., 2015). Яллиғланиш характерли патологик ҳолатларда биокимёвий ферментларнинг ҳар хил йўналишдаги ўзгаришлари қайд этилди, улар ҳомиладорлардаги ЎРИларни оғир кечишини аниқ фарқлаш учун имкон берувчи яллиғланиш жараёнлари оғирлик мезонларини аниқлаш ва ташхис қўйишда ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Шу билан боғлиқ ҳолда ЎРИнинг оғир кечишини, ўткир респиратор дистресс синдромни ривожланишини прогнозлаш усуллари ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади, бу эса уларни олдини олиш ва даволашга дифференциал ёндошувни ишлаб чиқиш имконини беради (В.В.Архипова, А.Н.Цой., 2010; Г.Л.Балясинской., 2011; Н.И.Зазирной., О.К.Федорович 2011) улар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда перинатал асоратлар сабаблари структурасида ЎРИнинг роли 20 дан 56% гачани ташкил этади.

Ҳомиладор томонидан грипп ўтказилганда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари қаторида тадқиқотчилар ҳомиладорликни тушишини хавфи, муддатидан олдинги туғруқлар, ҳомила олди сувини эрта кетиши, туғруқ фаолиятининг сустлиги қайд этадилар. Шу билан бирга, ҳомиладор организмга инфекцион агентларнинг зарарли таъсири ва уларнинг клиник кечишини бир қатор аспекти етарли даражада ўрганилмаган. Аcs N., Banhidу F. (2011)лар узок йиллик клиник ва экспериментал тажрибалар асосида грипп вирусини плацентар тўсиқ орқали ўтиши ва турли патологияларини чақиришини исботладилар. Griffiths P. D., Ronalds C., Hlath R. A., (2015); Hartert T., Neuzil K., Syintani A., (2009) лар томонидан онадаги ЎРИ касаллиги болалардаги гидроцефалия, қизилўнгач атрезияси ёки анофтальмия/микрофтальмия каби баъзи туғма нуқсонларни ривожланишида ҳавфни ошириши мумкинлиги тўғрисида бир бирига зид бўлган маълумотларни берадилар. Жанубий Кореяда олиб борилган ҳолат-назорат типидagi тадқиқотларга киритилган нерв найчасининг нуқсони билан туғилган 363 нафар чақалоқлар ва 523 соғлом болаларда аниқландики, ушбу касалликнинг юқори ҳавфи оналардаги ЎРИ билан асоцирланади (Chi-Chun S., 2011; Hao X., Kim T. S., at all., 2008). Banhidу F., Puho E. et all., (2016); Czeizel A. E., (2017); Artga F. R., Ohio H., Busch M. P. et all., (2011) лар ҳомиладорликни ривожланиши билан ҳомила ДНКси концентрациясини ортиши юзага келиши сабабли биологик асосларни аниқладилар. Bianchi D. W.(2014), Lim J. H., Kim M. H., Han Y. J. (2013) ўзларининг қиёсий тадқиқотларида фетал ДНК кўрсаткичларини таҳлил қилиб, шу нарсани исботладиларки, ҳомиладорликнинг турли патологияларида фетал ДНКнинг турли даражада бўлишини қайд этдилар.

Ўзбекистонда ҳомиладор аёлларда ЎРИ ва зотилжам муаммоси етарлича ёритилмаган. Юсупова М.Н. (2009) ҳомиладорларда зотилжам кечишини кузатганлар. Аюпова Ф.М., Любчич А.С. (2011) ЎРИда ривожланган ўткир ёғли гепатоз ҳолатларини ташхислаш ва даволаш жараёнларини олиб боришни кузатгалар. Аммо барибир ҳозирги кунга келиб аёлларда ЎРИ ва зотилжам ўтказгандан сўнг акушерлик ва перинатал асоратларни

ривожланиши тўғрисидаги ягона тассавурлар, бўлиши мумкин бўлган гестация асоратларида қўлланиладиган прогнозлаш маркерлари аниқланмаган, шунингдек ҳомиладорларда оғир ЎРИнинг профилактикаси тўғрисидаги ва гестациянинг кейинги кечишида мазкур контингентни юритиш тактикасига оид масалалар очиқлигича қолмоқда. ЎРИда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогнозлаш ва олдини олиш муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси ўткир респиратор инфекциялар ва зотилжамда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида янги патогенетик маркерларни излаш ва уларни ўрганиш ушбу асоратларни олдини олиш ва даволашдаги самарали чора тадбирларни ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш амалиётига қулай бўлган замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш заруриятини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ АДСС 15.27.4 «Ўткир респиратор инфекциялар билан оғриган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш» (2015-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиланинг перинатал патологиясида ва гестацияни кечиш асоратларини ривожланишида ўткир респиратор инфекцияларнинг патогенетик ўрни ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гриппсимон инфекциялар вирулентлигини баҳолаш билан 2014-2017 йиллар даврида ҳомиладорларда ўткир респиратор инфекция структураси ва сонини таҳлил қилиш;

ҳомиладорларда турли даражадаги оғирликлардаги ўткир респиратор инфекцияда респиратор вируслар спектрининг таҳлили ва ЎРИни оғир кечишини ривожланишидаги уларнинг ўрнини баҳолаш;

ҳомиладорларда турли даражадаги оғирликлардаги ЎРИда креатинфосфокиназалар, лактатдегидрогеназалар ва ишқорий фосфатазалар даражасини ва ЎРИнинг оғир кечишини прогнозлашда уларнинг сезувчанлигини, махсуслигини ва ташхислашни баҳолаш;

ўткир респиратор инфекцияни бошидан кечирган ҳолатларда, гестация муддатлари ҳамда касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда, ҳомиладорликни, туғруқни, ҳомилани она қорнида ривожланишини кечишини ва чақалоқлар саломатлик ҳолатини ўзига хосликларини баҳолаш;

ўткир респиратор инфекцияда акушерлик ва перинатал патологияларни ривожланиш имконияти ва хавфини, унинг асосида эса ҳомиладорликни нохуш якунини баҳолаш учун прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ҳомиладорлик асоратларини ривожланиши ва касаллик кечишини оғирлиги билан йўлдош тўқимасидаги морфологик ўзгаришлар ўртасидаги алоқани баҳолаш;

гестациянинг турли муддатларида ўтказилган ўткир респиратор инфекциядан сўнг ҳомиладорлар периферик қонида фетал ДНК даражасини ва акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида уларни прогнозлаш аҳамиятини (сезувчанлик, махсуслик, ижобий ва салбий баъоратлаш қиймати) баҳолаш;

ўткир респиратор инфекцияли ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишининг патогенез схемаларини ва касаликдан сўнг уларни юритиш алгоритминини ишлаб чиқиш, назорат тадқиқотларининг ўтказиш муддатларининг белгилаш, гестация муддатига боғлиқ ҳолда асоратлар профилактикаси ва унинг самарадорлигининг баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 9 акушерлик комплексига илк бор мурожаат қилган ўткир респиратор инфекция билан оғриган 338 нафар ҳомиладор ва 65 нафар соғлом ҳомиладорлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети илмий тадқиқотлар асосида ўткир респиратор инфекция билан хасталанган периферик қон, йўлдошлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, лаборатор, биокимёвий, молекуляр-генетик, морфологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда ўткир респиратор инфекциянинг оғир кечишининг грипп А1(Н1Н1) ҳамда А2 (Н3Н2) ва респиратор-синцитиал вирусларининг юқори фаоллигига ва ўта юқумлилигига илк бор боғликлиги аниқланган;

ЎРИнинг оғир кечиши ҳомиладор аёлларда 56,9% да вирус-вирусли уюшмалар туфайли, булардан энг кўп кузатиладиган бирлашмалар А1 ва РС грипплари ва А1 гриппи билан А2 грипплиги аниқланган;

ҳомиладор аёлларда оғир ЎРИ шаклланишининг механизмида биокимёвий жараёнларнинг бузилиши муҳим рол ўйнаши аниқланган, бу эса йўлдош дисфункциясининг натижасида перинатал патология ривожланишига олиб келиши аниқланган;

ЛДГ ва КФК даражасидаги патологик ўзгаришларни аниқланган ҳолда оғир ўткир респиратор инфекцияни эрта ташҳислаш ва прогнозлаш асосланган;

ҳомиладорлик даврида перинатал асоратларни ривожланишида ҳар бир вируснинг ва уларнинг комбинациясининг аҳамиятининг тасдиқловчи ҳамда ҳомила патологияси ривожланишига вирусли инфекциянинг юқори ҳавфи аниқланган;

ҳомиладор аёлларда ўткир респиратор инфекциядан сўнг ривожланган акушерлик ва перинатал асоратлар (плацентар дисфункция, ҳомила туғма нуқсонлари, оғир преэклампсия ва муддатдан олдинги туғруқ) ва уларнинг қон зардобидаги фетал ДНК кўрсаткичининг ўзгариш даражаси ўртасида тўғри корреляцион алоқа аниқланган;

акушерлик ва перинатал патология ривожланишига юқори ҳавфи бор ҳомиладор аёлларда асоратларни эрта ташҳислаш ва прогнозлаш имконияти фетал ДНК даражасидаги патологик ўзгаришларни аниқлашга янги илмий нуқтаи назардан илк бор асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир респиратор инфекцияларда доялик ва перинатал асоратларни башорат қилиш ва олдини олиш мезонлари ишлаб чиқилган;

ўткир респиратор инфекцияларда асоратларни ривожланиш хавф омиллари баҳоланган; ҳомиладорликнинг учинчи триместрда - 95,5% ҳолатгача, иккинчи триместрда эса - 90% гача тўғри башорат қилиш имконини берувчи прогнозлаш шкаласи ишлаб чиқилган;

ҳомиладорликда асоратларни ривожланишига мойил бўлган аёлларни баҳолашда фетал ДНК даражасини ва келгусида гестация муддатларини ҳисобга олган ҳолда акушерлик ва перинатал асоратларни индивидуал бирламчи профилактикаси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилган;

ҳомиладорларда эмлашнинг самарадорлиги касалликларини 30,3%га, ЎРИни оғир ҳолатда кечишлари сонини 20,3%га камайтирган;

доялик амалиётида ЎРИ ўтказгандан сўнг ҳомиладорлар учун ишлаб чиқилган юритиш алгоритми ва акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш усуллари таклиф этилган;

йўлдош дисфункцияси ва ХЎОҚС 3 марта камайиши, преэклампсиянинг эрта бошланиши ва оғир ҳолатда ривожланиши олди олиш, соғлом чақалоқларни ўртача туғилиш ҳолати 3 мартадан кўпга ортган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор, биокимёвий, молекуляр-генетик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогнозлаш ва олдини олишда янгича ёндошув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладорлардаги ЎРИларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишини аниқ патогенетик механизмларини очиб бериб, ЎРИ ўтказган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш ва эрта ташхислашнинг замонавий мезонлари, республикадаги келгусидаги илмий тадқиқотлар учун янги босқич бўлиб ҳисобланади ва мазкур йўналишда янги имкониятларни очиб берди. Олинган натижалар назарий тиббиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки ҳомиладорларда фетал ДНКни ўзгариш патогенетик механизмларни ва акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш қонуниятларини очиб беришнинг самарали усуллари қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акушерлик амалиёти учун ҳомиладорлардаги ЎРИда акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш шкаласи, гестациянинг турли муддатларида ЎРИ ўтказган ҳомиладорларни

юритишни дифференциал тактикаси ишлаб чиқилган. Ҳомиладорларда эмлашнинг самарадорлиги исботланди, у ЎРИ касалликларини 30,3%га, ЎРИни оғир ҳолатда кечишлари сонини 20,3%га камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир респиратор инфекция ўтказган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

IAР 05831 рақамли «Ўткир респиратор инфекцияларда акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиш усули» бўйича (Интеллектуал мулк ихтиролар давлат реестрида 2019 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган). Мазкур патент ЎРИ ўтказган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни эрта прогнозлашга имкон яратган;

«Ўткир респиратор инфекция ўтказган ҳомиладорларда перинатал асоратларни башорат қилиш ва хавф омиллари» услубий тавсифномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 8н-д/279-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси беморларда ўткир респиратор инфекциялар натижасида юзага келадиган турли касалликлар ва ҳомиладорлик асоратларни эрта ташхислаш чоратадбирларини имконини берган;

Ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини прогнозлаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика перинатал маркази маслаҳат поликлиникаси ва ҳомиладорлар патологияси бўлимлари, Хоразм вилояти перинатал маркази ва Тошкент шаҳридаги 9-туғруқ комплекси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 8н-з/167-сон маълумотномаси) татбиқ этилган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган «Ўткир респираторли инфекцияларда акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиш усули» X инновацион технологиялар ярмаркасида намоён этилди ва иккинчи ўринга эга бўлди.

Амалиётга жорий қилинган натижалар ЎРИ ўтказган ҳомиладорларда акушерлик асоратларни ва перинатал йўқотишлар сонини камайтирган, бу эса иқтисодий зарарларни қисқартириш ва перинатал асоратлар ва оналар ўлимини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорлик кечишининг замонавий тассавурлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳомиладорликдаги ўткир респиратор инфекцияларнинг асосий аспектларига бағишланган илмий адабиётлар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида ЎРИнинг ўрни ва ҳомила ривождаги нуқсонларга таъсир қилиши мумкинлиги кўрсатилган. Акушерлик ва перинатал асоратларни мавжуд бўлган аёлларда даволаш ва олдини олиш усуллари тўлиқ кўриб чиқилган. Ҳомиладорлик вақтидаги ЎРИда акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиш ва олдини олиш усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор инфекцияларда ҳомиладорлик кечиши баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Қўйилган мақсадни бажариш ва белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқот бир неча босқичда олиб борилди. Ўткир респиратор инфекциялар структураси ва сонини аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг биринчи босқичида бизлар томонимиздан гестациянинг турли муддатларида ЎРИ бўлган 338 нафар ҳомиладор (асосий гуруҳ) ва ҳомиладорлик жараёни физиологик кечишда бўлган 65 нафар аёл (назорат гуруҳи) текширилди. Тадқиқотда барча учун ЎРИ этиологиясининг верификацияси ўтказилди. Касалликни оғирлик даражасини ташхислаш учун ИФ, ЛДГ, КФКлар аниқлаши билан биокимёвий тадқиқотлар ўтказилди.

2 босқичда ЎРИ оғирлиги ва гестация муддатларига боғлиқ ҳолда мазкур аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни кечишини, чақалоқларини ҳолатини қиёсий таҳлили ўтказилди.

3 босқичда ўтказилган ЎРИдан сўнг ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилди ва уни тиббий ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium–IV компьютерида ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қийслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда Statistica for Windows 7.0 персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда ўткир респиратор инфекцияни оғир кечишини башорат қилиш**» деб номланган учинчи бобида 2014 йил октябр ойидан 2017 йил май ойигача Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 338 нафар ЎРИли ҳомиладор аёлларда олиб борилган вирусологик тадқиқот натижалари баён этилган бўлиб, улардан 106 нафар ҳомиладор аёлларда ЎРИ (ОЎРИ)нинг оғир кечиши ва 232 нафарида эса ЎРИнинг енгил ва ўртача оғирлик даражада кечиши мавжуд бўлди. 7 типдаги вирусли агентлар (жумладан ГА (H1N1), ГА (H3N1), ГВ, ПГ, РС, Р, метапневмовирус, короновирус ва АД) детекцияси билан ПЦР материаллари бўйича 2014 йил октябрдан 2017 йил майгача бўлган даврда ЎРИли ҳомиладорлар орасида динамикада этиологик тузилманинг таҳлили кўрсатдики, ОЎРИли 106 нафар ҳомиладор аёлдан 96,2%ида ва ЎРИнинг ўрта ва енгил даражасида бўлган 232 нафар ҳомиладор аёлдан 85,3%ида вирусли инфекция ташхиси қўйилди. 2014-15 йиллардаги ЎРИ билан касалланиш респиратор-синцитиал вирус ва А1 (H1N1) гриппи, А2 (H3N2) грипп вирусининг юқори фаоллиги билан боғлиқ бўлди. Бу даврда ОЎРИнинг юқори фоизи қайд этилди, у бирламчи зотилжам клиник кўринишидаги ҳомиладорларда ЎРИ орасида 40,4%ни ташкил этди. 2015-2016 йиллардаги мавсумда шу гуруҳ вирусларининг жадал циркуляцияси давом этди, аммо А1 (H1N1) гриппи фаоллигини 3,2 мартага кескин пасайиши қайд этилди, бунда парагрипп 2 ва В гриппини аниқланиш сонини ортиш тенденцияси юзага келди. Клиник жиҳатдан бу даврда ОЎРИли ҳомиладорлар сони 30,1%ни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 10,3%га кам демакдир. 2016-2017 йиллардаги ЎРИ билан касалланишнинг асосий этиологик агентлари бўлиб аденовирус ва риновируслар ҳисобланди. Мазкур даврдаги грипп кўзғатувчилари орасида А2 (H3N2) ва В гриппи етакчи ўринни эгаллади. Ўтган мавсумда фаол бўлган А1(H1N1) грипп кўзғатувчисининг циркуляция даражаси минимал ҳолатгача кескин камайди.

Бу ўз навбатида ҳомиладорларда ЎРИнинг кечишида акс этди, уларда бу 2014-2017 йиллардаги ОЎРИ орасидаги мавсумда ОЎРИ даражаси фақат 26,5%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, ушбу популяцияда эпидемик фаол грипп вирусининг антиген вариантларини ўрин алмашиши кузатилади. Шунини таъкидлаш зарурки, ҳомиладорларда ЎРИ касаллигини кечиши билан вирусларнинг патогенлигининг корреляцияси муҳим аҳамият касб этади. ОЎРИлар билан боғлиқ бўлган вируслар билан олиб борилган тадқиқотларимизда 2014-2016 йилларда, А1(Н1N1), А2 гриппи (Н3N2) ва 2016-2017 йилларда-В гриппи бўлди.

ЎРИ белгилари билан ҳомиладор аёллар орасида, ОЎРИли ҳомиладорларда 56,6% (n=60) ва 20,7% (n=48) ҳомиладор аёлларда эса ЎРИнинг енгил ва ўрта оғирликда кечишида аралаш вирус-вирус инфекция аниқланди. Энг юқори сонда А1 гриппини аденовирус инфекциялари билан ва А1 гриппини респиратор-синцитиал вирус билан ассоциацияси, шунингдек А1 грипп вирусини А2 вируси билан ўзаро ассоциацияси учради. Шунини таъкидлаш зарурки, ЎРИнинг ўта оғир кечишини ҳаддан ташқари оғир шаклга ўтишида энг кўп ҳолатда А1 вирусини респиратор-синцитиал вируслар билан ва А1 гриппини А2 гриппи билан ассоциацияси кузатилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларида текширилган гуруҳдаги ҳомиладорларнинг респиратор касалланиш структурасида кенг кўламли шикоятлар аниқланди. Демак, 65,1% ҳомиладорлардаги гестациянинг I ва II триместрида респиратор касалланишнинг асосий клиник белгилари сифатида оғир шаклларнинг кузатилмаслиги билан субфебрил ҳарорат фонидаги умумий интоксикация аниқланди (ҳолсизлик, бўшашиш, чарчоқнинг ортиши ва ҳ.к.). ЎРИнинг янада оғирроқ кечиши III триместрда кузатилди. Зотилжам кечишининг оғирлиги нафас етишмаслик даражаси, заҳарланишнинг намоён бўлиши, асоратларнинг мавжудлиги, йўлдош касалликларнинг декомпенсацияси билан аниқланди. Заиф клиник белгилар билан йўтал ва йўталсиз ҳомиладорлар учради, уларга ташхис қўйиш маълум қийинчиликларни туғдирди, шунингдек касалликнинг ўткир кечиш ҳолатлари ҳам аниқланди, уларда касаллик тез ривожланиб, ўткир нафас етишмовчилиги, респиратор дисстресс синдромига олиб келган ҳолатлар ҳам кузатилди. Ҳомиладорларда бирламчи зотилжам ташхисини қўйишдаги мезонлар бўлиб ўпка тўқимасининг ўчоқли инфильтрациясини рентгенологик тасдиқлаш, касалхонага келиб тушгунча касалликнинг давомийлиги -1 суткадан 3 суткагача (ўртача муддат $2,21 \pm 0,48$ сутка) ва камида 2 клиник белгиларнинг мавжудлиги: касалликни ўткир бошланиши ($t > 38^{\circ}\text{C}$); балғамли йўтал; жисмоний белгилар (крепитация фокуси) бўлиб ҳисобланди. Бирламчи зотилжам билан оғриган 106 нафар ҳомиладор аёлдан 23 нафарида (21,7%) зотилжам гестациянинг I триместрида, 34 нафар аёлда эса -2 триместрида ва 49 нафарида эса (46,2%) - 3 триместрида кузатилди. Бу бир қатор тадқиқотчилар берган маълумотлар билан мос келади, уларнинг кўрсатишича зотилжам билан касалланишнинг энг юқори чўққиси гестациянинг 3 триместрига тўғри келади. Барча беморлар терапевт ва

пульмонолог маслаҳатини олганлар. Ҳомиладорларда зотилжамнинг оғир кечишини ўзига хосликлари бўлиб, яққол намоён бўлган клиник белгилар, лаборатор кўрсаткичларни сезиларли ўзгариши, жигар функциясини бузилиши (32,7%), ЎБЕ (9,1%), миокардит (41,8%) ҳисобланади.

Тадқиқот давомида касалликни оғир кечишини аниқлаш мақсадида бизлар креатин-фосфокиназа ферменти (КФК), лактатдегидрогеназа (ЛДГ), ишқорий фосфатаза (ИФ) даражасини гестациянинг турли муддатларида ЎРИнинг турли вариантлари кузатилган ҳомиладорларда аниқладик. Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, зотилжам ва ЎРИли аёлларда назорат гуруҳига нисбатан ЛДГнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди (№1 жадвал), бу ҳатто ЮНЙ ЎРИли ҳомиладорлар гуруҳида ҳам кузатилди. Демак, ЎРИ ЮНЙда ЛДГ белгилари 2 триместрда назорат белгиларига нисбатан 2 марта юқори бўлди. Шунини таъкидлаш зарурки, бундай юқори кўрсаткичлар ПНЙ ЎРИли ҳомиладорларда ҳам аниқланди. Бизлар томонимиздан ЛДГ даражасини ортишини озчилиги аниқланди, у касалликни оғирлик даражасига ва шикастланган майдонга боғлиқ бўлади.

ПНЙ ва ЮНЙ ЎРИда КФК даражаси ўзгарди, аммо бу гестациянинг барча учта триместрида назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз белгилар чегарасида бўлди. Бунда ўрта оғирлик даражасидаги зотилжамда унинг кўрсаткичлари 2,1; 1,9 ва 2,3 мартага триместрларга мос ҳолда ошди. Ҳомиладорларда КФК даражасининг сезиларли ўзгариши оғир зотилжамларда қайд этилди ва гестация муддатларига мос ҳолда назорат гуруҳига нисбатан 3,4; 3,7 ва 3,8 марта юқори бўлди ($P < 0,01$). Шунини таъкидлаш зарурки, миокардит ва ЎБЕ каби асоратларни ривожланишида КФК кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 5-6 мартага ошди ($P < 0,01$).

КФКни бир хил даражада ортишидан фарқли равишда, мазкур контингентдаги ҳомиладорларда ИФ белгиси юқори даражада ошди, аммо бу жараённинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлмади (1-жадвал). ПНЙ ЎРИли ҳомиладорларда ИФ даражаси шунга мос муддатлардаги зотилжамнинг оғир шакли билан оғриган ҳомиладорлар кўрсаткичларидан юқори бўлди.

Шу билан боғлиқ ҳолда, шундай тахмин қилиш мумкинки, ЎРИ ва зотилжам билан оғриган аёлларнинг текширилган гуруҳлари ўртасида ЛДГ ва КФК даражасидаги аниқланган фарқлар касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқдир (нафас органларининг шикастланиш ҳажми). Касалликнинг оғирлик даражасидан КФК ва ЛДГ даражасининг боғлиқлигини асослаш мақсадида, бизлар томонимиздан мазкур кўрсаткичлар ва ЎРИ ҳамда зотилжам кечиш оғирлиги ўртасидаги алоқа таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари ЎРИли аёллар гуруҳида касалликнинг кечиш оғирлиги ва ЛДГнинг ортиши ўртасида тўғри алоқа мавжудлигини ва ЎРИ/зотилжамни асоратли кечишини ривожланиши ўртасида кучли тўғри алоқа мавжудлигини ҳамда назорат гуруҳи билан КФКнинг тескари алоқаси мавжудлигини кўрсатди.

Ўткир респиратор инфекциялар ва зотилжам билан хасталанган
гестациянинг турли босқичларидаги ҳомиладорларда қоннинг биокимёвий
кўрсаткичлари, (Ед)

Гуруҳлар	КФК		
	1 триместр	2 триместр	3 триместр
Назорат (n=65)	55,7±1,4	78,3±2,7	98,2±1,9
ЮНЙ ЎРИ (n=124)	52,8±1,6	75,6±2,4	97,4±2,3
ПНЙ ЎРИ (n=108)	82,9±3,1***	105,1±2,3***	117,5±1,6***
Зотилжамнинг ўрта оғир даражаси (n=51)	119,6±4,1***	148,8±3,2***	227,3±1,4***
Зотилжамнинг оғир даражаси (n=55)	192,6±3,4***	286,9±5,1***	373,2±2,5***
	ИФ		
Назорат (n=65)	117,3±2,4	145,6±1,8	240,1±3,6
ЮНЙ ЎРИ (n=124)	246,3±1,8***	262,1±2,3***	366,2±4,2***
ПНЙ ЎРИ (n=108)	363,6±3,2***	421,2±2,7***	420,5±2,6***
Зотилжамнинг ўрта оғир даражаси (n=51)	281,5±1,8***	309,6±4,1***	416,2±3,7***
Зотилжамнинг оғир даражаси (n=55)	366,5±2,9***	358,7±5,2***	389,7±4,6***
	ЛДГ		
Назорат (n=65)	96,1±3,4	137,5±2,1	183,6±4,5
ЮНЙ ЎРИ (n=124)	143,6±2,3***	271,3±2,8***	256,4±5,1***
ПНЙ ЎРИ (n=108)	201,8±4,9***	385,2±2,5***	569,2±3,7***
Зотилжамнинг ўрта оғир даражаси (n=51)	186,9±4,1***	371,2±5,3***	581,6±3,2***
Зотилжамнинг оғир даражаси (n=55)	413,2±5,4***	548,1±4,4***	601,2±4,9***

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (***)
- P<0,001)


Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, ЎРИ/зотилжамнинг оғир кечишини ривожланишида ҳамроҳлик қилувчи муҳим омиллар бўлиб, биокимёвий механизмлар ҳисобланади.

Маълум бўлдики, КФКни непропорционал ортиши ва қонда ЛДГни сезиларли кўтарилиши касалликни оғир кечишини шаклланишидан гувоҳлик беради. Бир қатор тадқиқотчилар (Getahun D., Ananth C.V., 2009; Gene E., 2015) ҳисоблайдики, КФК ва ЛДГнинг гипермаҳсулоти ёмон башорат билан боғланган у аутофагия каби феноменни шаклланишига олиб келади, аутофагия эса, ҳужайра ичи ўлимнинг дастурлаш турларидан бири бўлиб ҳисобланади. У ҳужайра ичи органеллалари ва кўплаб оксилларнинг ҳужайра ичи деградациясининг ҳужайра ичи тизимлари ҳисобланади. Шуни

таъкидлаш зарурки, ушбу жараёнларнинг ташаббускори бўлиб вирусли инфекциялар ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор инфекцияни ўтказган аёлларда ҳомиладорликни, туғруқни кечиши ва чақалоқлар ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида ҳомиладорликни турли муддатларида ЎРИ/зотилжам ўтказган аёлларда чақалоқлар саломатлиги ва ҳомиланинг ҳолати, туғруқлар, ҳомиладорликни кечишини таҳлил натижалари тақдим этилган. 1 триместрда ўтказган ЎРИдан сўнг ҳомиладорликни кечишини ўрганилганда (№1 расм), ўртача 11% ҳомила тушиши ва 19,4% ҳолатда ривожланмаган ҳомиладорлик билан асоратланишини кўрсатди. Ҳомиладорларда олиб борилган кейинги кузатувлар йўлдош дисфункциясининг (ЙД), ҳомила ўсишини ортда қолиш синдромини (ХЎОҚС) ва ҳомилани туғма нуқсонларини (ХТН) ривожланишини кўрсатди. Мазкур асоратлар кўпроқ ЮНЙ ЎРИ ва зотилжамли гуруҳда кузатилди. Шунингдек ПЭ ҳам ПНЙли гуруҳга нисбатан ЮНЙ ЎРИ ли гуруҳда 2 марта кўпроқ учради. Шунини таъкидлаш зарурки, 1 триместрда ЎРИ дан сўнг асоратлар ривожланиши ЎРИни локализациясига боғлиқ бўлмай, балки гестациянинг қалтис муддатларига боғлиқ бўлади.


Ҳомила ХТН ва перинатал йўқотишлар бўлган аёлларда олиб борилган вирусологик тадқиқотлар кўрсатдики, ЎРИ микст инфекция ва ГА1 мавжудлиги билан боғлиқ бўлди. Ҳомила ХТНсилик аёллардаги ҳомиладорлик 1 ҳолатда 18 ҳафтада кечки ўз ўзидан бола тушиши билан ва 2 ҳолатда 16 ва 20 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик билан асоратланди. 3 ҳолатда ҳомиладорлик 17-22 ҳафталик муддатда ҳомилани ҳаётга мос бўлмаган нуқсонли ривожланиши сабабли сунъий тўхтатилди (анэнцефалия, икки камерали юрак, Даун синдроми).



1-расм. I триместрда ЎРИ ўтказган аёлларда ҳомиладорликни кечиши %

2 триместрда ЎРИ ўтказган аёлларда ҳомиладорлик кечишини ўрганилганда ЎРИ ПНЙ ва зотилжамда 21%да ЙДнинг ривожланишини кўрсатди. Шунинг таъкидлаш зарурки, кечки ўз ўзидан бола тушиши ва ривожланмаган ҳомиладорлик фақат зотилжам ва ПНЙ ЎРИ ўтказган ҳомиладорлар гуруҳида кузатилди. Вирус верификациясида уларда ГА1 ва ГА2 лар аниқланди. III триместрда ҳомиладорларда олиб борилган келгуси кузатувлар уларда ХЎОҚС, МОТ ва ПЭ каби асоратларни ривожланишини кўрсатди, улар ПНЙ ЎРИ ва зотилжам гуруҳида деярли икки марта юқори бўлди.

3 триместрда ЎРИ ўтказган ҳомиладорларда гестация кечишини ўрганилганда (2 расм), аёлларнинг ярмида муддатдан олдинги туғруқлар ҳавфининг белгиларини кўрсатди. Бунда муддатдан олдинги туғруқлар ПНЙ ЎРИ ли гуруҳида 1,5 марта кўп ва зотилжам гуруҳида 3 марта кўп ривожланди. ЎРИли 1/5 аёлларда ЙД ривожланди, у ХЎОҚС билан асоратланди, бу ҳолат зотилжам ва ПНЙ ЎРИ ли гуруҳида 2 ва 4 марта кўпроқ қайд этилди.



2-расм. III триместрда ЎРИ ўтказган ҳомиладорларда гестациянинг кечиши

ПЭни ривожланиши зотилжамдан сўнг 3 марта ва ПНЙ ЎРИ да 2,5 марта кўпроқ кузатилди. ПНЙ ЎРИ ва зотилжам ўтказган аёлларда ҳомиладорлик муддатидан олдин тўхтатилди, бу ЮНИ ЎРИ ли гуруҳга нисбатан 3 ва 1,5 марта кўп демакдир.

ЎРИ ХТНда ҳомила нуқсонлари 6,5% ҳомиладорларда, ЎРИ ПНЙ-1,5 марта, зотилжамда 2,5 марта кўпроқ кузатилди. Улардаги инфекция верификацияси ГА1 ва РСни аниқлади.

Барча гуруҳдаги чақалоқларнинг етакчи патологик синдроми бўлиб церебрал ишемия бўлди. 3 триместрда ЎРИ ўтказган оналардан туғилган чақалоқларда олиб борилган кўплаб кузатувларда (54,1%) шиш-геморрагик синдром сонини прогрессив ортиши ва КРДС ривожланишини асоратланиши билан ўртача оғирликдаги ва оғир гипоксия қайд этилди. Зотилжам ўтказган оналардан туғилган чақалоқларда, шунингдек церебрал ишемия аниқланди, унинг оғирлик даражаси онанинг касаллигини оғирлик даражасидан тўғри пропорционал боғлиқликка эга бўлди. Чақалоқларда аниқланган патология бир томондан йўлдош функциясини бузилганлигидан, иккинчи томондан эса вируснинг бевосита шикастловчи таъсиридан гувоҳлик беради.

Чақалоқлар касалланиш структурасида етакчи бўлиб, МАСнинг гипоксик-ишемик бузилиши ҳисобланади. Учраш сони бўйича иккинчи ўринда инфекцион-яллиғланиш касалликлари қайд этилди. Болаларнинг аксарият кўпчилигида ўртача даражали оғирликдаги гипоксик-ишемик бузилишлар ташхисланди, деярли ярмида эса инфекцион-яллиғланиш касалликлари қайд этилди.

Шундай қилиб, ҳомиладорлик кечишини қиёсий таҳлили ва уни якуни 3 триместрда зотилжам ва ЎРИдан сўнг асоратлар ривожланиш сонини янада


юқори бўлишини (45%), сўнг 1 триместрда (34%) бўлишини кўрсатди. ЎРИда нисбатан осойишта кечиш 2 триместрда кузатилди (21%).

